
Таъмирлаш ишлари сабабли бугун туманнинг айрим ҳудудларида
электр таъминотида вақтинчалик узилиш бўлади

“Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖнинг тегишли хабарномасига асосан, бугун **20 июл куни соат 09:00 дан 11:00 гача** 6кВ Ф.Янги Авғон ячейкасида, **09:00 дан 13:00 гача** эса 10кВ Ф.Дехқонобод ҳаво узатмасида мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Шу боисдан, мазкур тармоқлардан таъминланадиган Авғон, Ўрта қишлоқ, Сулаймон, Сочтепа, Дўнгсарой, Дехқонобод, Бешкапа ва Қудаш маҳаллаларидаги истеъмолчиларнинг электр энергияси таъминотида юқорида қайд этилган вақтлар давомида вақтинчалик узилиш кузатилади.

Келтирилган вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўраймиз.

Ўзбекистон тумани электр таъминоти корхонаси
Мурожаат учун телефон: ☎ (95) 402-13-52, (73) 539-16-03

2023-07-20 08:22:06